

2022 йил «03» ноябрдаги “G’IJDUVON QURILISH LOYIHA” МЧЖ ва Зарафшон шаҳар  
Мактабгача таълим бўлими ўртасида

7 000 000 сўм умумий суммага тузилган 338-22/4-сонли шартномага

**ТЎЛОВЛАР ЖАДВАЛИ\***

Боб 251 \_\_\_\_\_  
Шахсий газна ҳисобварақ 401722860124087091100251014

(сўмда)

2022 й. ойлар номи	Харажатлар тури** (бюджет таснифининг тегишли коди)			Жами
	42 39 000			
Январь				
Февраль				
Март				
Апрель				
Май				
Июнь				
Июль				
Август				
Сентябрь				
Октябрь				
Ноябрь	7 000 000			7 000 000
Декабрь				
<b>Жами йил бўйича</b>	<b>7 000 000</b>			<b>7 000 000</b>


Жами 7 000 000 сўм (Етти миллион сўм)  
сумма сўз билан

Юқоридаги кўрсатилган суммадан 2100000 сўм ёки шартноманинг умумий суммасидан 30%\*\*\* 2022 йил ноябр ойида тўланиши лозим.

(\*) – бюджет ташкилоти, бюджет маблағ олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан вазначилик бўлинмасига икки нусхада тақдим этилади;


(\*\*) – бўлим, кичик бўлим ва харажат моддаси кўрсатилади;

(\*\*\*) - Юқоридаги кўрсатилган суммадан ойига \_\_\_\_% жорий ойнинг \_\_\_\_ санасигача ҳар ойда олдиндан тўланиши лозим (ушбу сатр бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан коммунал хизматлар кўрсатиш, алоқа хизматлари ва конун ҳужжатларида назарда тутилган ҳар ой доимий равишда товарла (иш, хизматлар) етказиб бериш шартномалари бўйича олдиндан тўловни амалга ошириш ҳолларида тўлдирилади).



Буюртмачи раҳбари

М.Ў.

  
(имзо)

М.Турсунова  
Ф.И.О.

Буюртмачи  
бош ҳисобчи

  
(имзо)

Ғ.Юлдошев  
Ф.И.О.

Вазначилик бўлинмасининг  
ходими қабул қилди \_\_\_\_\_  
(имзо)

Буюртмачи ходими  
қабул қилди \_\_\_\_\_  
(имзо)

2022 й. « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_

2022 й. « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_

**Зарафшон шаҳар Мактабгача таълим бўлими тасарруфидаги 14-сонли ДМТТ биносини жорий таъмирлаш ишлари бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш учун  
338-22/4-сонли ШАРТНОМА**

Зарафшон шаҳри

“03” ноябр 2022 йил

Кейинги ўринларда Буюртмачи деб юритиладиган Зарафшон шаҳар Мактабгача таълим бўлими номидан раҳбар М.Турсунова ва кейинги ўринларда Лойиҳачи деб юритиладиган “G’IJDUVON QURLISH LOYIHA” МЧЖ номидан Устав асосида иш юритувчи директор Б.Рузиев қуйидаги шартномани туздилар:

**1. Шартнома предмети**

1.1. Лойиҳачи Буюртмачининг топшириғи бўйича белгиланган муддатда Зарафшон шаҳар Мактабгача таълим бўлими тасарруфидаги 14-сонли ДМТТ биноси жорий таъмирлаш ишлари учун лойиҳа-смета ҳужжатлари ишларини ишлаб чиқиш ва давлат экспертизасидан ўтказиш мажбуриятини, Буюртмачи эса уни қабул қилиб олиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.2. Бажариладиган ишлар тасдиқланган лойиҳа олди топшириғига асосан амалга оширилади.

1.3. Шартнома лойиҳа ишларини ишлаб чиқишга, лойиҳа ҳужжатларини тегишли давлат экспертизадан ўтказиш ва техник шартларни тайёрлаш билан боғлиқ бошқа ишларга тузилган.

1.4. Шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Навоий вилояти Зарафшон шаҳар газначилигида рўйхатдан ўтган кундан бошлаб кучга кириши ҳамда Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва буюртмачига топшириш ишлари 5 (беш) кун муддатда тугатилади.

1.5. Лойиҳачи лойиҳа-смета ҳужжатларига ижобий давлат экспертиза хулосасини олгандан сўнг 3 кун ичида 3 (уч) нусхада лойиҳа-смета ҳужжатларини ва тегишли ҳужжатларни Буюртмачига тақдим этиши керак.

**2. Шартнома баҳоси ва тўловлар қоидалари**

2.1. Ишларни амалга оширишнинг шартнома суммаси 7 000 000 (Етти миллион) ҚҚС 15% билан сўмни ташкил қилади.

2.2. Буюртмачи шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Навоий вилояти Зарафшон шаҳар газначилигидан рўйхатдан ўтгандан сўнг “Буюртмачи”нинг объект бўйича шахсий ҳисоб варағидан 5 кун ичида шартнома суммасининг 30% миқдоридан аванс тўловини амалга оширади.

2.3. Бажарилган ишлар учун Буюртмачи ва Лойиҳачи томонидан далолатномалар ва ҳисоб фактуралар расмийлаштирилиб “Буюртмачи”нинг объект бўйича шахсий ҳисоб варағидан қолган 70% тулов 15 кун ичида амалга оширилади.

2.4. Лойиҳа-смета ҳужжатлари буюртмачи томонидан кўриб чиқилиб, экспертизага тақдим этилгандан сўнг, жами ишлар ҳажмининг 70% фоиз миқдоригача ишлар бажарилган деб қабул қилинади.

Объект бўйича экспертиза хулосаси олингандан сўнг ва 3 (уч) нусхада лойиҳа-смета ҳужжатлари Буюртмачига тақдим этилгандан кейин қолган маблағ топшириш-қабул қилиш далолатномаси расмийлаштирилиб, (мазкур шартноманинг 2.3-бандига асосан) Буюртмачи”нинг объект бўйича шахсий ҳисоб варағидан молиялаштирилади. Бунда “Буюртмачи” “Лойиҳачи” олдида тўлиқ бўлмаган ёки ўз вақтида бўлмаган молиялаштириш учун жавобгар эмас.

2.5. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

ишлар қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;

ишлар ҳажми Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг тегишли қарорлари асосида Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда.

**3. Томонлар мажбуриятлари**

3.1. Буюртмачи:

- барча ишлар бажариб бўлингандан кейин белгиланган шартнома нархининг ҳаммасини Лойиҳачига тўлаши ёки ишларнинг айрим босқичлари тугалланганидан кейин шартнома нархининг тегишли қисmini тўлаши;

- тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатларининг камчиликлари борлиги муносабати билан учинчи шахс томонидан буюртмачига нисбатан қўзғатилган даъво аризасидан ишда қатнашишга Лойиҳачи жалб қилиши шарт.

3.2. Лойиҳачи:

- Лойиҳа ишларини бажариш учун дастлабки маълумотларнинг ҳаққонийлигига, шунингдек лойиҳа-смета ҳужжатларидаги қабул қилинган лойиҳавий ечимларга жавобгардир;

- лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиққандан сўнг лойиҳа-смета ҳужжатларини давлат экспертизаси ва комплекс экспертизадан ўтказишда иштирок этади.

- лойиҳа-смета ишларини бажариш учун топшириқдаги ва бошқа дастлабки маълумотлардаги талабларга, Ўзбекистон Республикасининг тегишли амалдаги қонунларига ҳамда бошқа меъёрий ҳужжатларга қатъий риоя қилиши шарт;

- ишларни лойиҳалаш ҳақидаги топшириқ ва бошқа дастлабки маълумотларга мувофиқ бажариши;

- тайёр бўлган лойиҳа-смета ҳужжатларини буюртмачи ва фойдаланувчи ташкилотлар (шу жумладан сув таъминоти, электр тармоқлари, газ таъминоти корхоналари) билан келишиб олиши шарт;

- тайёр бўлган лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлари натижаларини шартномада белгиланган муддатларда буюртмачига топшириши;

- буюртмачининг розилигисиз лойиҳа-смета ҳужжатларини учинчи шахсларга бермаслиги шарт.

**3.4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 ноябрдаги ПФ-5577-сон фармониغا асосан объектни куришнинг барча босқичларида муаллифлик назорати мажбурийдир ва Лойиҳачи шартнома қиймати доирасида муаллифлик назорати олиб бориши шарт;**

**3.5. Лойиҳачи лойиҳа-смета ҳужжатларида қабул қилган лойиҳавий ечимлари учун ёхуд уларда аниқланган камчиликлар учун жавобгардир.** Шунингдек кейинчалик курилиш жараёнида, шунингдек тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатлари маълумотлари асосида барпо этилган объектни ишлатиш жараёнида аниқланган камчиликлар учун жавобгар бўлади. Лойиҳа-смета ҳужжатларида камчиликлар аниқланган тақдирда Лойиҳачи Буюртмачининг талаби билан лойиҳа-смета ҳужжатларини бепул қайта ишлаб чиқиш ва шунга мувофиқ зарур қўшимча қидирув ишларини бажариш, шунингдек, агар қонунда ёки шартномада бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, келтирилган зарарни буюртмачига тўлаши шарт.

#### **4. Ишларни топшириш ва қабул қилиш тартиби**

4.1. Бажарилган ишларни топшириш ва қабул қилиш Лойиҳа-смета ҳужжатларини бажариш лойиҳа олди топшириги талабларига биноан белгиланади.

4.2. Ишлар бажарилишининг алоҳида босқичи ва шартнома бўйича белгиланган жами ишлар тугагандан сўнг Лойиҳачи Буюртмачига ишларни топшириш ва қабул қилиш далолатномаси билан ҳужжатлар тўпламини топширади.

4.3. Буюртмачи ишларни топшириш ва қабул қилиш далолатномаси ва мазкур шартноманинг 4.2 бандида кўрсатилган ҳисобот ҳужжатларини олгандан сўнг 10 кун мобайнида ишларни қабул қилиш ва Лойиҳачига имзоланган топшириш ва қабул қилиш далолатномасини ёки ишларни қабул қилмасликнинг асосланган рад жавобини юборишни ўз зиммасига олади.

4.4. Буюртмачи ишларни қабул қилмаслигининг асосли рад жавобини берган ҳолда зарур бўлган қўшимча ишларнинг рўйхати ва уларнинг бажарилиш муддатларини кўрсатган ҳолда, икки томонлама далолатнома тузилади.

4.5. Агар ишларни бажарилиш жараёнида уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги аниқланса, томонлар 5 кун муддат ичида уни тўхтатиш тўғрисида бир-бирини хабардор қилиши ва 5 кун ичида ишларни давом эттириш мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқиши шарт. Ишларнинг тўхтатилиши томонлар учун Ўзбекистон Республикаси Фуқаролар кодексига кўзда тутилган оқибатлар ва жавобгарликка олиб келади.

4.6. Томонлардан бири мазкур шартномада кўзда тутилган ишларни тўхтатиш тўғрисида ёзма хабар берган вақт ўзаро ҳисоб-китоб қилиш вақти ҳисобланади.

4.7. Лозим топилган ҳолларда томонлар ҳолис экспертларга Лойиҳа бўйича хулоса учун мурожаат қилиши мумкин.

#### **5. Конфиденсиал маълумотларни ҳимоялаш**

5.1. Ишлар бажарилиши даврида Лойиҳачи ўзи конфиденсиал ҳисобланадиган маълумотлар ишлаб чиққан ёки уларни Буюртмачидан олган ҳолларда уларни ҳимоялаш, ошкор бўлишини олдини олиш мақсадида тегишли тадбир ва чоралар кўради.

#### **6. Тарафларнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича маъсулияти.**

6.1. Тарафлар шартнома шартларини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги қонун талабларига сўзсиз амал қилади.

6.2. Тарафлар, уларнинг вакиллари ва ходимлари ўз мажбуриятларини бажариш жараёнида ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни ўз зиммасига олган ҳолда, ушбу шартнома доирасида қонун бузилишга олиб келадиган ҳаракатлар(ҳаракатсизлик)га йўл қўймайдилар.

6.3. Тарафлар Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги амалдаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этиш баробарида қуйидагиларга йўл қўймаслик мажбуриятини эладилар:

- пора бериш, шунингдек ушбу жиноятга воситачилик қилиш;
- товламачилик, ёки бошқа ноқонуний йўллар билан пора олишга ундаш;
- пора олишга бевосита ёки билвосита розилик бериш.

6.4. Тарафлар, уларнинг вакиллари ва ходимлари рағбатлантиришнинг ҳар қандай шаклини рад этадилар. жумладан:

- тарафларнинг ходимлари ёки вакилларида пул маблағлари олиш, совғалар бериш, уларга бепул хизматлар кўрсатиш ёки ишларни бажаришни ушбу ҳаракат(ҳаракатсизлик)ни амалга оширган ходим ёки ваколатли вакил уни рағбатлантирадиган томон фойдасига ҳар қандай ҳаракатни бажаришни.

6.5. Тарафларга шартнома шартларини амалга оширишда сунъий равишда иккинчи тарафга ноқулайликлар туғдириб, коррупциявий омил пайдо бўлишига бевосита ҳамда билвосита сабабчи бўлиш тақиқланади.

6.6. Агар шартнома тарафлари томонидан шартнома шартларига риоя қилмаслик ёки ушбу шартларнинг бузилиш ҳолатлари содир бўлган ёки содир бўлиши мумкин деб гумон қилинганда шунингдек, шартноманинг 6.1-бандида белгиланган қоидалардан бири содир этилганда ушбу ҳаракат содир этилганлиги юзасидан иккинчи

томонни хабардор қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади ҳамда шартнома шартлари ёки қонун бузилишининг инкор этилмайдиган далиллари мавжуд бўлганда, шартнома тарафлари Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ваколатли давлат органларига мурожаат қиладилар.

#### 7. Қўшимча шартлар

7.1. Лойиҳачи лойиҳани муддатидан олдин бажарган ҳолда, Буюртмачи уни мазкур шартноманинг 4-моддасига асосан қабул қилади ва ўрнатилган тартибда тўловни амалга оширади.

7.2. Ўзаро мулоқат йўли билан ҳал қилинмаган муаммолар қонун ҳужжатларида ўрнатилган тартибда ҳал қилинади. Келишувга келинмаган тақдирда тортишувлар, келишмовчиликлар, низолар Иқтисодий судда эътироз тартибига риоя қилган ҳолда, кўриб чиқилади.

7.3. Шартномага томонлар розилиги асосида, ёзма равишда ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

7.4. Лойиҳачи шартномада кўрсатилган ишларни бажариш учун, Буюртмачини белгиланган тартибда маълум қилган ҳолда, учинчи шахсларни жалб қилиш ҳуқуқига эга.

7.5. Буюртмачи томонидан дастлабки тўлов ўз вақтида ўтказилмаган ҳолда кечиктирилганда ишларни тугаллаш муддати тўлов ёхуд тақдим кечиктирилган вақтга қадар узайтирилади.

7.6. Буюртмачи томонидан тўловлар билан боғлиқ ўз мажбуриятлари кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,4 фоизи миқдориде пеня тўланади, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим, бунда Буюртмачига боғлиқ бўлмаган ҳолатлар бундан мустасно.

7.7. Лойиҳачи томонидан лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш ва буюртмачига топшириш ўз вақтида бажарилмай мажбуриятлар бузилган бўлса, Лойиҳачи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдориде пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим;

7.8. Тўланган пеня ёки жарималар томонларни ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

7.9. Ушбу шартнома икки нусхада тузилди.

7.10. Мазкур шартнома томонлар ўз мажбуриятларини тўлиқ бажаргунга қадар ҳамда 2022 йил 31 декабргача амал қилади.

#### 7. Томонларнинг манзили ва ҳисоб рақамлари

«Таъминловчи»

«Истеъмолчи»

“G'ILDUVON QURILISH LOYIHA” МЧЖ

(ижрочининг номи)

Манзили Ғиждувон туман

Ю.Ҳамадоний кучаси 213 уй

тел\факс 91-411-22-21

х\р 20208000105003386001

банк номи Мекрокредитбанк Ғиждувон ф

МФО 00104 ИНН 302401037



М.Ў.

Зарафшон шаҳар МТБ

(бюджет маблағларини олувчи номи)

манзили Зарафшон ш Тинчлик кучаси

тел\факс 573-03 76

ш\хв 401722860124087091100251014

бюджетдан маблағ олуви СТИРи 305152013

ОКОНХ 85100

Ғазначилик бўлим номи: Зарафшон шаҳар

ғазначилик бўлиммаси

ғазна хв23402000300100001010

Банк номи Тошкент шаҳар МБХКМ

МФО 00014

Ғазначилик бўлиммаси СТИРи 201122919

Рахбар М.Турсунова

(Ф.И.Ш.)

М.Ў.



Hujjat **elektron raqamli imzo** orqali imzolangan.  
Elektron raqamli imzoning haqiqiyiligini tekshirish uchun QR  
Code ni skanerlang.

Imzolovchi F.I.SH. MAVLUDA TURSUNOVA  
SAYDULLOYEVNA

Imzolangan sana 03.11.2022 09:48

Hujjat kodi FJ7435881402

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN  
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY**

**XULOSA**

LI1221035224

1. Loyihaning turi: Shartnoma
2. Loyihaning nomi: 14-sonli davlat maktabgacha ta'lim tashkiloti binosini joriy ta'mirlash ishlari bo'yicha loyiha-smeta hujjatlarini tayyorlash uchun 338-22/4-sonli 03.11.2022 yildagi shartnoma yuzasidan
3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: Zarafshon shahar maktabgacha ta'lim bo'limi tomonidan 03.11.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Zarafshon shahar  
yuridik markazi  
bosh yuristkonsulti:**



**S.S.Qaxxorova**  
03.11.2022

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI



Yuridik shaxsni davlat ro'yxatidan o'tkazish to'g'risida

# GUVOHNOMA

Reestrda tartib raqami № 4415 № 00217

2012 yil 11 oktyabr

Mazkur guvoxnoma yuridik shaxsga

“G'LDUVON QURILISH LOYIHA”

*(shaxsni tashkil etuvchi to'g'risida)*

ma'suliyati cheklangan jamiyatiga G'lduvon tuman hokimligi huzuridagi tadbirkorlik sub'ektlarini ro'yxatdan o'tkazish inspeksiyasi tomonidan berilgan.

*(Yuridik shaxs to'g'risida davlat ro'yxatidan o'tkazish to'g'risida qabul qilingan yuridik aktning mazmuni ko'rsatiladi)*

Tashkiliy huquqiy shakli:

TXIII

1180

Mulkchilik shakli:

MIII

142

Pochta manzili:

MXTBT

1706215501

Yuridik shaxs kodi:

KTYT

24123457

Asosiy faoliyat turi xos raqami:  
Davlat ro'yxatidan otkazish sanasidagi

XXTYT

66000

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami:

CTHP

302401037

Qo'shimcha ma'lumotlar

Vakolatlil organ rahbari

H.G.Nosirov



Uzbekiston Respublikasi  
Davlat Ro'yxatidan O'tkazish  
Inspeksiyasi



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРИЛИШ ВАЗИРЛИГИ

# ЛИЦЕНЗИЯ

№ 031006

"ВИДУВОН ҚУРИЛИШ ЛОУНА" МСНВ

Архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш фаолияти учун лицензия

ЛИЦЕНЗИЯ РЕЕСТРИ БЎЙИЧА ТАРТИБ РАҚАМИ  
АЛ-000044

СТИР (СОЛИҚ ТЎЛОВЧИНИНГ ИДЕНТИФИКАЦИОН РАҚАМИ)  
302401037

АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ  
29.06.2019дан

ЖОЙЛАШГАН МАНЗИЛИ (ПОЧТА МАНЗИЛИ)  
Бухоро вилояти, Видувон тумани, SHARQ 165

ВАКОЛАТЛИ ОРГАН  
Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги

29.06.2019  
ТАҚДИМ ЭТИЛГАН САНА



Лицензия

№ 031006

**Фаолият тури**

Уй-жой-хўжалик қурилиши учун объектлар ва комплекслар лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш, шу жумладан, уларнинг муҳандислик тармоқлари ва тизимларини лойиҳалаштириш

Махсус объектлар ва иншоотларни лойиҳалаштириш

Сув ҳўжалиги қурилиши учун объектлар ва комплекслар лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш, шу жумладан, уларнинг муҳандислик тармоқлари ва тизимларини лойиҳалаштириш

Транспорт ва йўл қурилиши объектлари ҳамда комплексларини лойиҳалаштириш, шу жумладан, уларнинг муҳандислик тармоқлари ва тизимларини лойиҳалаштириш

Қурилиш объектларини мукамал ва жорий таъмирлаш учун лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш

**Қўшимча маълумотлар**

**ОБЕКТЛАРНИНГ МУРАККАБЛИК ТОИФАЛАРИ**

Тоифа

III - Тоифа

